IQRO JURNALI , IQRO JOURNAL, ИКРО ЖУРНАЛИ
ISSN:2181-4341| wordlyknowledge.uz/index.php/iqro
Volume 22 Issue 01 IYUN 2026

АЁЛЛАР ТОМОНИДАН СОДИР ЭТИЛАДИГАН ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШДА ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ХОТИН-ҚИЗЛАР БИЛАН ИШЛАР БЎЛИНМАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

Таджиева Назокат Камилжоновна
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси магистратура тингловчиси

Аннотация: Мазкур мақолада хотин-қизлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш, бу борада ички ишлар органлари хотин-қизлар билан ишлар бўлинмаларининг фаолиятини самарали ташкил этиш масалалари ёритилган. Мақолада аёллар жиноятчилигига таъсир этувчи ижтимоий-психологик омиллар таҳлил қилиниб, бўлинмалар инспекторларининг давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлик механизмларини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар илгари сурилган.

Калит сўзлар: хотин-қизлар, ички ишлар органлари, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, хотин-қизлар фаоллари, ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам, тазйиқ ва зўравонлик.

Кириш:

Жамият барқарорлиги ва ривожланиши хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ҳамда маънавий ҳаётдаги ўрни билан узвий боғлиқ. Сўнгги йилларда мамлакатимизда аёлларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг жамиятдаги мавқеини мустаҳкамлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди.

Бироқ, олиб борилаётган кенг қамровли ислоҳотларга қарамай, хотин-қизлар томонидан содир этилаётган ҳуқуқбузарликлар ва жиноятлар учраб туриши жамиятда бу йўналишдаги профилактик ишларни янада такомиллаштиришни тақозо этмоқда. Бу борада ички ишлар органларининг хотин-қизлар масалалари бўйича бўлинмалари (катта инспектор ва инспекторлари) асосий бўғин ҳисобланади.

Ички ишлар органларида хотин-қизлар билан ишлаш, оилаларда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, оғир ижтимоий аҳволда қолган, шу жумладан оилавий муаммолар ва турмушида зўрлик ишлатилишига дуч келган хотин-қизларни ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилиб, бу борада давлат органлари ва жамоат ташкилотлари билан узвий ҳамкорлик йўлга қўйилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 1 мартдаги “Оила ва хотин-қизлар билан ишлаш, маҳалла ва нуранийларни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-81-сон Фармонида хотин-қизлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш, биринчи навбатда, ҳуқуқбузарликка мойиллиги бўлганлар билан якка тартибда иш олиб бориш ҳамда жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган хотин-қизларнинг ижтимоий реабилитацияси ва мослашиши бўйича чора-тадбирларни амалга оширишда давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари билан яқин ҳамкорликни таъминлаш вазифлари юклатилган.

Шунингдек, мазкур Фармон асосида бевосита фуқаролар йиғинларида фаолият юритадиган хотин-қизлар фаоли лавозими жорий этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29-30 март кунлари Бухоро вилоятига қилган ташрифи давомида хотин-қизлар жиноятчилиги сақланиб қолаётганлиги афсус билан кўрсатиб ўтилиб, вилоятни хотин-қизлар билан боғлиқ барча масалалар бўйича энг намунали ҳудудга айлантириш бўйича “Бухоро вилояти тажрибаси”ни жорий қилиш юзасидан бир қатор вазифалар белгилаб берилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 14 июндаги 495-сон “Бухоро вилоятини хотин-қизлар билан ишлаш йўналишида намунали ҳудудга айлантириш чора-тадбирлари дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорига асосан Ички ишлар вазирлиги Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бош бошқармасида хотин-қизлар билан ишлаш масалалари бўйича алоҳида бошқарма, Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ИИББ ҳамда вилоятлар ИИБ Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бошқармаларида бўлимлар, шунингдек шаҳарлар ва туманлар ички ишлар органларида инспекторлар, психологлар штатлари жорий этилди.

Ички ишлар органларида хотин-қизлар билан ишлаш бўлинмаларининг ташкил этилиши аёллар томонидан ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олиш, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва оилалардаги зўравонлик ҳолатларига чек қўйишда муҳим ҳуқуқий механизм ҳисобланади.

Маҳаллаларда маҳалла раислари, хотин-қизлар фаоли, хотин-қизлар масалалари бўйича инспекторлар, отинойилардан иборат таркибда ишчи гуруҳларни тузилди. Гуруҳлар томонидан уйма-уй юриш жараёнида аҳолининг яшаш шароитлари ўрганилиб, муаммолари аниқланиб, муаммоларни ҳал этиш тизими ишлаб чиқилди.

Маҳаллаларда оилаларни ўрганиш натижалари бўйича ҳар бир минтақада хотин-қизларни ижтимоий-сиёсий фаоллигини, уларнинг оиладаги ва жамиятдаги ролини кучайтириш, оналик ва болаликни муҳофаза этиш, аёлларни ҳар томонлама ҳуқуқий савиясини юксалтириш, уларни иш билан таъминлаш, соғлом оилаларни шакллантириш, энг муҳими уларнинг жиноят кўчасига кириб қолишларини олдини олишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар дастурлари, йўл хариталари ишлаб чиқилиб, ижрога қаратилди.

Бугунги кунга қадар ўтказилган тадбирлар давомида **134 мингга яқин** хонадонларга уйма-уй кириб, оиладаги ижтимоий-маънавий мухит ўрганилди.

Маҳаллалардаги “Оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш” комиссияларига ички ишлар органлари томонидан оилавий низолар, қўни-қўшнилар ўртасидаги жанжаллар, бола тарбияси билан шуғулланмаётган ота-оналар ва бошқа масалалар бўйича **26 мингдан** ортиқ ҳужжатлар юборилиб, муҳокамаси таъминланди. Натижада **20 мингдан** ортиқ оилалардаги нотинчликларга барҳам берилди, **8 мингга яқин** ёш оилаларнинг ажралиб кетишидан сақлаб қолинди.

Оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизларга ижтимоий-ҳуқуқий, психологик ёрдам кўрсатиш, уларни **«Аёллар дафтари»** орқали манзилли қўллаб-қувватлаш борасида бир қатор ишлар олиб борилмоқда.

Шунингдек, хотин-қизлар фаоли ва хотин-қизлар масалари бўйича катта инспекторлари билан ҳамкорликда **“Ижтимоий профилактика”** доирасида оилавий ажримларнинг олдини олиш, нотинч оилаларни соғломлаштириш ва муаммоли аёлларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашда тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, жиноят содир этган хотин-қизларнинг ҳар бирига хотин-қизлар фаоллар бириктирилиб, уларнинг тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишида, уй-жой, кредит

олишида ва бошқа ижтимоий-ҳуқуқий масалаларда, иш билан таъминлашда кўмаклашиш, шу йўл билан уларни намунали тарзда ҳаёт кечираётган хотин-қизлар тоифаларига ўтишига эришиш кўзда тутилди.

Шунингдек, аёлларга моддий, ижтимоий масалаларда, ҳуқуқий онгини оширишда амалий ёрдам кўрсатиш орқали уларни жиноят содир этишига йўл қўймаслик, соғлом турмуш тарзида хаёт кечиришларини йўлга қўйиш асосий мақсад қилиб олинди.

Хотин-қизлар билан амалга ошириладиган умумий профилактик тадбирларда асосан уларнинг бандлигини таъминлашга кўмаклашиш, маҳаллаларда, меҳнат жамоаларида, таълим муассасаларида аёлларнинг мафкуравий тахдидларга қарши иммунитетини шакллантиришга қаратилган учрашувлар, давра суҳбатлари ўтказиб бориш каби тадбирлар ўрин олди.

Айни пайтда, ҳамкорликда амалга оширилган тадбирлар натижасида ижтимоий-ҳуқуқий ҳимояга муҳтож, оилавий муаммолари бўлган 13 минг нафардар ортиқ аёллар соғлом турмуш тарзига қайтарилди. Оилавий нотинчликлар кузатилган 20 мингдан ортиқ оилалардаги низолар бартараф этилиб, нотинчликка барҳам берилди, 7 минг оилаларни ажрашиб кетишидан сақлаб қолинди.

Хулоса қилиб айтганда, аёллар жиноятчилигига қарши курашиш – бу фақатгина ҳуқуқий жавобгарлик масаласи эмас, балки чуқур ижтимоий-педагогик жараёндир. ИИО хотин-қизлар бўлинмалари фаолиятини замонавий ва илмий ёндашувлар асосида ташкил этиш жамиятда соғлом муҳитни шакллантириш ва ҳуқуқбузарликлар даражасини кескин камайтиришга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 1 мартдаги “Оила ва хотин-қизлар билан ишлаш, маҳалла ва нуранийларни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони. ПФ-81-сон Фармонида — 2022 йил 1 март.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Бухоро вилоятини хотин-қизлар билан ишлаш йўналишида намунали ҳудудга айлантириш чора-тадбирлари дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги — 2019 йил 14 июнь.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги ЎРҚ-371 – сон Қонуни — 2017 йил 14 май.
4. Ўзбекистон Республика ИИВ Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизмати (2026 йил 5 ойлик). Оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш” комиссиялари бўйича 2025–2026 йиллар 5 ойлик статистикаси. Расмий ҳисобот. — Республика.
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Хотин-қизлар муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 145 – сон қарори – 2022 йил 31 март.
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Жамоат тартибини сақлаш, жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги Ҳукумат қарорларини тизимлаштириш тўғрисида”ги 754 – сон қарори – 2025 йил 1 декабрь.